

БУГУН XIV СЕССИЯ ИШ БОШЛАЙДИ!
Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси қонуний-демократик жамият сари қўйилган қадам!

Жиззах деган томонда,
Дўстлик деган туманда...
2-бетда

Ўтқир Ҳошимов дафтарининг ҳошиясидаги битиклар
4-бетда

ҚОНУНИИ ЎЗГАРТИРИШ... МУМКИН
Ҳар бир қилмиш қонун талаби билан ўлчанса

МУСТАҚИЛ
ГАЗЕТА

ХУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади

1999 йил 14 - 20 апрель

15 (117)-сон

ОҚЖАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Ўтган ҳафта "Тошкент Ислам университетини ташкил этиш тўғрисида" Президент Фармони матбуотда эълон қилинди

Ўша кунни биз учун энг қувончли кун бўлди. Маъҳад талабалари қўлларида газет кўтаришганча бир-бирларини табриклашар, Президентни, ҳукуматни дуо қилишар, Фармон моҳиятини сабоқдошларга тушунтиришга ҳаракат қилишарди. "Энди ундай бўлади, энди бундай бўлади!" дея ҳаяжонини яширмай гапирётганлар кўпчилик эди. Ундан ҳам кўпчилик эса очилажак дорилфунунда таълим ва таҳсил олиш нияти туғилганини баралла айтаётган эди. Ҳатто, ўқитувчилар, мударрислар ҳам.

Муносабат

Абдулоҳқ ТАШАНОВ,
Имом ал-Бухорий номи Тошкент
Ислам институти толиби

Кейинги йилларда динларнинг, хусусан ислом дини тарафдорларининг сийбасата аралашуви масалалари кўпчиликни, жумладан, бизни ҳам ташвишга солиб қўйди. 16 февраль ҳодисаси бу ташвишимизни орттиргандан орттирди. Шундай экан, бизда, мамлакатимизда соғлом фикрли, ҳар қанақанги жамиятга, давлатга ҳолис нуқтаи назар билан қарай оладиган, Исламни сохта тарфибу ташвиқотдан ҳимоя қила оладиган кучга эҳтиёж туғилмоқда. Президентнинг айни Фармони ҳам айнан шу эҳтиёжни қондириш, юрт истиқлоли, истиқболи учун курашга қурб етадиган авлодни тарбиялашга, вужудга келтиришга, юзага чиқаришга қаратилгандир.

Фармонга илова қилинган шарҳда мустақил ҳаётга қадам қўётган ўзбек халқининг Ислам дини таълимоти борасидаги саводи сазелиги ва бу масалада чукр билимларга эга бўлган, диний экстремистик гояларга қарши тура оладиган мутахассислар йўқлиги сабабли ҳам Исламнинг асл моҳиятига зид, диний ақидапарастликнинг хавфи йўналишлари мамлакатимизга кириб келиши ва илдириштиши жамият ҳаётига таҳдид солиши мумкинлиги ҳақида атофлича айтиб ўтилган. Назаримда, бугунги таълимга қаратилган эътибор, ушбу Фармон ҳам келгусида қилажак ишларимизнинг, ислохотларимизнинг ибтидоисидир.

Яқинда Россиянинг "Труд" газетасида бир мақола ўқиб қолдим. Ушбу мақолада ҳам бутун Ўзбекистон сийбасатининг асосий қисми таълимга, етук кадрлар тайёрлашга йўналтирилган эътибор эътироф этилган. Университетлар, коллежлар, лицейлар ташкил этишга қаратилган юксак эътибор ижобий баҳоланган.

Баъзан юртимиз шаънига чет эл радиоларидан айтаётган гоятда бир томонлама, ноҳолис фикрлар,

мулоҳазалар ғайри ниятдаги инсонларнинг қилаётган ишларимизни ҳаспўшлаб кўрсатишларига замин ҳозирлайди. Хусусан, мамлакатимиздаги Исламга, диндорларга нисбатан муносабатни турлича талқин қилишади. Айнан шу каби фикрловчи инсонларга Ислам институти толиби сифатида юртимиздаги динга ва диний таълимга бўлган эътибор ҳар қачонгидан кучаяётганини, бироқ энди ўзлари каби динни нотўғри талқин қилувчиларга ўрин йўқлигини таъкидлашни истардим.

Фармоннинг 2-банди иккинчи хатбошида таъкидланган Ислам динига оид таълим йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари тажрибасини атофлича ўрганиш, таҳлил этиш ва янги барпо этилажак университетдаги ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш, етук исломшунос мутахассисларни тайёрлаш ҳақидаги йўл-йўриқлар бизни янада қувонтирди. Янаям аниқроғи, биз талабаларда ташкил этиладиган университетга кириб ўқиш иштиёқини орттирди.

Халқимизда бир нақл бор: "Оққан дарё оқмайди". Ҳақиқатан Ислам оламида дунё мусулмонларига устозлик қилган муҳаддис имомларимиз номи билан гурур туйсақ арзийди. Зеро, улар дарё эдиларки, биз авлодлар ҳам боболар руҳини шод этмоғимиз, аждодларимиз шаънига муносиб фарзандлар бўлишимиз зарур. Керак бўлса, Ислам оламида кўзга кўринган диншунослар бўлишга қурб етадиган ёшларимиз кўп. Мен бунга ишонман. Ва бошқаларни ҳам биз учун яратилган бу улкан имкониятга ишонинг ва ундан фойдаланишга даъват этаман.



Эли қизлар — сепли қизлар

ДИҚҚАТ, МУСОБАҚА!

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими "Теннис+" газетаси билан биргаликда шу йилнинг 16-17 апрель кунлари оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Пахтакор" стадиони кортларида теннис бўйича анъанавий "Бойчечак" турнирини ўтказилади. Кура теннис клуби маъмурияти биносидан 16 апрель кунини эрталаб соат 8.45 да ташланади. Мусобақада қатнашишни истаган барча журналистлар "Теннис+" газетасига олдиндан буюртма беришларини сўраймиз.

Эслатма: Баҳслар якка ва жуфтликлар тартибда уюштирилади.

ЧЕХРА ОЧДИ "ГУЛЧЕХРАЛАР"!

Навр
Аёлга эътибор - миллатга эътибор, келажакка эътибордир. Юртимизда ўтаётган йилнинг Аёллар йили бўлганини бежиз эмас. Шарқ азал-азалдан Аёлга, Онага ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиб келган. Бу йил эса махсус Аёллар йили яна бир сабаб бўлиб, уларга кўрсатилаётган ҳурмат, оила, оналик ва болаликни ҳимоялашга доир қатор Фармон ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганини кўришга имконият берди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Аёл кадр-қимматини юксакларга кўтарилган кўп ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кунин кеча эса юртимиз аёллари яна совғалик бўлишди - сўйимли "САОДАТ" журнали номидаги ишонининг уйдёқ киши қалбига шодлик, ёруғ бир туйғулар олиб

кирадиган "ГУЛЧЕХРАЛАР" дея номланмиш янги иловасини нашрдан чиқарди. Оппоқ қоғозда, рангли босилган газетанинг ташқи кўринишиёқ кишининг баҳри-дилнини очади. Мақолаларга-ку, гап йўқ!

— Эзгу ниятлар, ҳаёт олдимизга қўётган муаммолар хусусида сўйлашмоқ, бирга ўйлашмоқ, тез-тез дийдорлашмоқ учун имкон излаб, "Саодат" журналига илова "Гулчехралар" газетасини чоп этишга чогландик.— дейди журнал бош муҳаррири Ойдин опа Ҳожиева.— Бу ёғига газет-хонларнинг мададидан, маслаҳатларидан умидворимиз.

Бизнинг бир нарсага ишончимиз комил: "Гулчехралар" ўз номига мос тарзда гул, гулгун чехраларнинг наши бўлиб қолажак. Айни чоғда у барча-барча аёлларимизнинг, опа-сингилларимизнинг меҳрибон маслаҳатгўйига, сирдошига, дарддошига айланиб қолса не ажаб.

Зокиржон АЛИБЕКОВ

ЭЧКИ БЎЙНИДАН ОСИЛДИ

"Шум бола"даги ИННАЙКЕЙИН?.. нинг айнан ўзи!

Наманган томонларда, шундоқкино катта йўлни кесиб ўтган темир йўл шлагбауми ўрнатилган жойда бир фалокат юз берди денг, асти қўйверасиз.

Поезд ўтиши ва шлагбаум кўтарилишини кутиб тургандик, иннайкейин, бир пайт каважали мотоциклда бир киши келиб тўхтади. Шу жойда шлагбаум кўтарилиб йўл очилишини кутаётганлар орасида от қўшилган арава ҳам турди. Иннайкейин, бир маҳал от жонивор эшларидеки шекилли, каважали мотоцикл ҳайдовчисининг чаккасини есади, ҳайдовчи олиб қочди ва беихтиёр қўлчакшала жониворини нари ҳайдади. Иннайкейин, от хуркиб кетди ва орқага бор-йўти бир қадам тасарилди. Ниҳадир тараққ эди, иннайкейин одомлар қораси, ақлсиз арава ортидан тиркалиб турган "Тисо"нинг кўзинаси ни майда-майда қилди. Иннайкейин нима бўларди - от-арава эгаси билан "Тисо" ҳайдовчиси жанжаллаша кетди-ку! Иннайкейин денг, шу тоғда аллақатдан етиб келган деҳқон тоғга тўшагўр қораси, жанжал ёқа бўғишга айланганига эмасми, ўйламай-нетмай еталаб келатган эчкисини шлагбаумнинг тумшугига боғладию, енгини шимарганича мижорони тинчитмоқ касдида жанжаллашар ўртасига тушди. Иннайкейин,

бақир-чақир, нари-бери бориш-келишларга андармон оломон хушини йиғаман деб кўришди, аччиқ инчадек қўзилган поезд ўлиб кетиб, қораси ҳам кўринмай қолди ва... "Бигг-бигг!" деган ғайритабиий товушдан кўзи очилган оломон не кўз билан қораси, шлагбаум кўтарилибди, унинг тумшугига" боғланган шўрлик эчкивий эса олий ҳукмага мустоҳиқ маҳкум янгли... сиртмоқда осилиб қолган эди... Савоб талабдаги деҳқон тоғга жанжаллашарни худонинг ихтиёрига қолдириб, "Ҳой-хой!" лаб темирйўлчи бобойни оғоқ қилгунча жон ҳолатда типирчилаётган эчки шўрлик нақ кўнкарибоп бўлиб қолган эди... Иннайкейин, лаҳза ўтиб-ўтмай... деҳқон тоғга билан шлагбаумчи бобой ўртасида ёқа бўғиш бошланди, янги фронт очилди!

От-арава эгаси билан "Тисо" ҳайдовчиси қаерда дейсизми?

Иннайкейин, қорасам, улар аллақачон тил топишиб, темир йўлдан ўтиб аллақачон қораларини кўрсатмай кетишган эди...

ТОМОШАВИН

МАЪҲАД ТОЛИБЛАРИ ҚЎЛЛАМОҚДАЛАР

Чет мамлакатларнинг исломий олийгоҳларида ўқишни орау қилардим. Исламий олийгоҳнинг ўзимизда ташкил этилиши нафақат мени, балки ота-онамни ҳам бирдек қувонтирди.

Президентнинг ушбу Фармони замирида бизнинг ниятларимиз, орауларимиз ётганига амин бўлди. Биз талабаларнинг бу университетда ўқиш орауимизга айланди.

Рустан РАҲИМОВ,
II босқич

Фармон эълон қилинган кунин Президентимизнинг "Ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз" деган гаплари қулоғимнинг тағидан кетмади. Ушбу Фармон ҳам маълум маънода шу гапнинг амалий натижаси бўлса керак.

Толб НИЗОМОВ,
II босқич

Исламни мустаҳкамлаш учун университетдек замонавий таълим даргоҳи ташкил этишдан ортик сай-ҳаракат бўлмаса керак! Биз ёшлар университетнинг муносиб толиблари бўлиб, Президентимизга амалий жавоб беришимиз лозим. Бинобарин, муддао шундай экан, ўзимизда масъулият ҳиссини оширмоғимиз даркор.

Абдураққ ГУЛМАТОВ,
I босқич

ИЮГ-Э! Фикрдан қудратлироқ бузғунчи йўқ!

Тақлиф

Мавжуда РАҲАБОВА,
юрдик фанлари номзоди

Президентимиз журналистлар саволларига жавоб бера туриб, давлатимиз худудида руй берган муҳдиш воқеалар тафсилоти таҳлили диний экстремизм, террорчилик ва кўпоровчилик ҳаракатларининг иштирокчилари ота-онаси қарамоғида бўлган ёшлардан иборатлигини ташвишли ҳол деб баҳоладилар. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарларининг телевидение орқали чиқишларида айтилган фикрларни ҳам кенг жамоатчилик тўла қўллаб-қувватламоқда. Дарвоқе, юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кўнларидан бошлаб жиноятчиликка қарши кураш давлат сийбасатининг устивор йўналишларидан бири эканини таъкидлаб келмоқдалар.

Бу гагли учрашувда ҳам давлатимиз раҳбари содир этилган жиноятлар учун айбдорларни жазолашдан кўра уларнинг олдини олиш зарурлиги, бунга жамиятдаги барча инсонлар масъуллигини, айниқса, адашиб турли экстремистик оқимлар таъсирига дучор бўлган ёшларни жиноят илдиз отмасидан бу йўлдан қайтаришга чакирдилар. Айниқса, ёшлар тарбиясига масъул бўлган ота-оналарнинг бу борадаги алоҳида ўрни тўғрисида зарур гапларни айтдилар.

Шу ўринда Қуръони карим "Бақара" сурасининг 179-оятисида: "Сиз учун ҳаётда қасос бор, эй аҳли донишмандлар! Шояд жиноятлардан сақлансангизлар", деб қайд этилганини эслатмоқчимиз. Оятнинг мазмунини чуқурроқ таҳлил қилсак, ҳар бир шахс жазоланиши мумкинлиги учун жиноятдан ўзини тийиши керак, деган тушунча келиб чиқади.

Ҳадислардан бирида: "Сизларнинг қай бирингиз бирон жиноят ёки гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни аввало қўл билан қайтаринг. Бунга имкон бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингизда нафратланиб туринг", дейилган. Бу ҳам шариатда жиноятнинг олдини олишга даъват эканини кўрсатади.

Муҳдиш воқеалар тафсилоти шундан далолат бермоқдаки, терроризм ёки кўпоровчилик жиноятларини содир этишда иштирок этган жиноятчи кимсаларнинг кўпчилиги ота-онаси қарамоғида бўлган ёшлар, баъзилари эса фарзанд тарбиясига масъул кишилар. Улар ўзлари яшаган хонадонларда қурол-яроқ, портловчи моддаларни сақлаганидан ёки диний экстремистик руҳдаги ўйдирма китобларни кўп нуҳсада ўз уйларида, яқин қариндошларининг уйда хуфийна сақлаб тарқатиб юрганларидан наҳотки, улар билан бирга яшовчи яқинларининг хабари бўлмаса?!

Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари жиноятларни содир этиш сабаблари, шарт-шароитларини таҳлил қилган ҳолда бу жиний гуруҳ аъзолари билан бирга уларнинг оталари ҳам жавоб бериладилар, деган гоини ўртага ташлаб, кенг жамоатчиликни хушёрликка чакирдилар.

Муқаддас Қуръони каримда: "... гувоҳлар гувоҳлик учун чақирилганда бош тортмасинлар", "Эй мўминлар, адолат билан турувчи ҳамда ўзларининг ёки ота-она ва қариндош уруғларининг зарарига бўлса-да, Оллоҳ учун тўғри гувоҳлик беришлар!" деган оятларни ўқиймиз. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунчилигимиздаги баъзи нормалар мазмунини ҳақида сўз юритиш ва улардан баъзи бирларини тақомиллаштириш лозим экани ушбу мақолани ёзишга ундади.

"Жамиятимизда баъзи шахслар, ҳаттоки, ҳуқуқшуносларимиз қонунчилигимизни тақомиллаштириш тўғрисидаги фикрдан ўзини тийиши керак. Чунки, бу яқин икки-уч йилда қабул қилинган кодекслардаги нормаларни ўзгартириш тўғрисидаги сўз юритиш нотўғри", деган фикрларни эшитамиз.

Бизнингча, бундай ёндашиш ноўрин. Чунки, жамият узлуқсиз тараққиётда экан, турмуш тарзимизни янада яхшилаш учун тезкор чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бу эса қонунчилигимизга узлуқсиз ўзгартиришлар киритиш йўли билан бир маромда ишлашни таъминлашга ундамоқда.

Шуни назарда тутган ҳолда юртимиздаги криминоген вазиятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига баъзи бир ўзгаришлар киритишни жоиз деб билардим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 31-моддаси 3-қисмида: "Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ақли қариндошлари жавобгарликка тортилмайди", дейилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 240-моддаси 2-қисмида: "Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ва бундан бўйин товлаганилиги учун жавобгарликка тортилмайдилар", дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 117-моддаси 2-қисми талабига кўра гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатуви беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида оғохлантирилмасликлари акс эттирилади.

Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексининг саққизинчи бўлимида - атамаларинг ҳуқуқий маъносиде яқин қариндошлар" тушунчасига қараганда, ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари айбдорнинг яқин қариндоши ҳисобланади.

Демак, қонунимизда санаб ўтилган қариндошларни санаго анча-мунча. Шундай экан, уларнинг кирдикоридан яқинлари ҳабардор бўлса-ю, уларни жиний жавобгарликка тортмасдан бошини силасак, қандай қилиб уларнинг ҳақиқий қилмишини фош этишимиз ёки бирон-бир жиноятнинг олдини ололамиз.

Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тўрт тоифага: ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Жиноят процессуал кодексимиз талабига кўра жиноят содир этган ҳар бир шахсининг қилмишини ҳуқуқий тўғри баҳолаш учун терговни синқовлик билан ҳолисона, тўла ва ҳар томонлама олиб бориш зарур. Шундай ҳолда, бизнингча, жиноятчиларнинг ота-онаси, яқин қариндошлари ҳам уларнинг жиний қилмиши билан боғлиқ масалалар юзасидан тергов ёки судда албатта сўроқ қилиниши керак.

Назаримда, Жиноят кодексининг 241-моддасида "тайёргарлик қўрилатган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида айбдорларнинг ақли қариндошлари аниқ билгани ҳолда хабар бермаса ёки шу турдаги жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яширса" жиний жавобгарликка тортилиши мумкинлиги акс эттирилиши керак.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 31-моддаси 3-қисми, 240-моддаси 2-қисми ва Жиноят-процессуал кодекси 217-моддаси 3-қисми кодекслардан чиқарилаш ва Жиноят кодексининг 241-моддаси қайд этилган мазмунда ўзгартирилса, бу муаммо ўз ечимини толарди.

ОЛМОНИАЛИК ЎЗБЕКШУНОС

Ўзбек халқ эртақларига умрини бахшида этмоқда

Дунё биз ҳақимизда

Халқ оғзаки ижодининг чинакам гўзал, қизиқарли ва ўзига хос жанрларидан бири бўлиши эртақлар дунёнинг аксар халқларида мавжуд.

Инсоният тарихида салмоқли ўрин тутувчи ўзбек маданиятига, жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодида жаҳонда тобора қизиқиш кучайиб бормоқда.

Олмон тилида ўзбек халқ эртақларининг Г.Юнбаев (1923 й. Йена), И.Тихи (1966 й. Цюрих-Штутгарт), Карл Райх (1978 й. Бохум), В.Новак (1981 й. Москва), И.Л. Сиртаустас (1984 й. Кёльн)лар чоп этирган олмон тилидаги таржималари мавжуд.

Фазо

Коинот мўъжизага бой. Хар бир осмон жисми сир-синоати. Уларнинг тубига етиш, моҳиятини билиш учун инсоният не-не ишларни амалга оширмади.

кўйди. Бу программани амалга оширишга 25 миллиард доллардан ошроқ маблағ сарфланди.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ

амалга оширилди. Ой яқинидаги орбитада 26 астронавт бўлиб, улардан фақат 12 тасигина Ой юзига қадам қўйдилар.



учирилди. Улар Ойни айланиб, кўниш жойини аниқлаб қайтиб тушдилар.

Нихоят 1969 йил 21 июль кўни "Апаллон-11" космик кемасида уч АҚШ астронавти - Нейл Армстронг, Эврин Олдрин ва Майкл Коллинз Ойга қараб учдилар.

Космик кема Ой яқинидаги орбитага чиққандан кейин унинг асосий блокидан кичикроқ космик кема ажралиб чиқиб, Ой юзига бориб қўнди. Унда икки астронавт: Нейл Армстронг ва Эврин Олдрин бор эди.

Астронавтар ой юзига бир неча илмий асбоблар ҳамда автоматик телекамералар ўрнатдилар. Ой жисмига 22 кг.лик намуна олдлар.

Иккала астронавт Ой юзига 21 соат 36 дақиқа бўлган. Ойдан кичик космик кемада қутарилиб, асосий космик кема билан бириштирилди.

1969 йил 24 июль кўни космик кеманинг астронавтар турган бўлинмаси Тинч океанидаги мулжалланган жойга эсон-омон қўнди.


Бундан кейин Ойда яна 5 та экспедиция бўлди. Охириги экспедиция 1972 йилда хусусиятларини наслдан-наслга кўчирувчи ҳисобланади.

Хромосомалар генлардан ташкил топган. Улар сони ҳам жонзотнинг турига қараб ўзгариб боради.

Демак, тириклик — жуда мураккоб ва кенг тармоқли имкониятларнинг тўпланишидан юзага келган, тўғривоғи, келтирилган энергиянинг бир қўрилишидир.

Хужайрадан-да кичик бўлган жонлилар бор. Бундай жонлилар ҳисобланадиган вирус ва бактериялар ўз ҳолича тирик эмас.

МАҒРИБУ МАШРИҚ



бахолайди. Хусусан, буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий образининг халқ эртақларида ("Зиёд ботир") қўлланилиши таҳсинга лойиқлигини алоҳида таъкидлайди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкин. Ўзбек таъбиғининг олмон тилида Лейпцигга нашр этилган ўшбу китоби нафақат ўзбек халқ эртақларини Фарбий Оврупога танитиб, балки олмон адабиётини ҳам янги, ажойиб эртақлар билан бойитди, деб айта оламиз.

Зоҳиджон СОДИҚОВ, Зоҳиджон ТУРСУНОВ, НамДУ ўқитувчилари

С.МИЛОШЕВИЧ РОССИЯ-БЕЛОРУССИЯ ИТТИФОҚИГА КЎШИЛМОҚЧИ

Худди шундай ажабтовур хабарни айни кунларда дунёнинг кўпгина оммавий ахборот воситалари бир қадар ташвиш ва саросима билан муҳокама этмоқдалар.

Президент Борис Ельцин "Югославия Республикалари Иттифоқи" президенти Слободан Милошевичнинг Белградни Россия ва Белоруссия Иттифоқига қўшиб олиш тўғрисидаги илтимосини қўлаб-қувватлаган.

Г.Селезневнинг сўзларига кўра, ҳозирги Югославия муаммосининг ҳарбий эмас, сиёсий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бу "кўшилиш" муносабати билан Россиянинг тегишли маҳкама ва идораларига Россия-Белоруссия - Югославия Иттифоқи тўғрисидаги баёнот лойиҳасини тайёрлаш ҳусусида топшириқлар берилган.



ҲИНДИСТОННИНГ РАКЕТА СИНОВЛАРИ

Жаҳон ахборот агентликларига кўра, Ҳиндистон ўтган ҳафта охирида ўзининг қитъаларо баллистик ракеталарини синовдан ўтказган.

Дехли маъмурлари қитъаларо ракета тартибидан аёло даражада ўтганлигини ўта хурсандчилик билан маълум қилган бўлсалар-да, дунёнинг бошқа давлатлари, хусусан Покистон томонидан расмий Дехлининг бу хатти-ҳаракати ташвиш билан қўтиб олинган.

"ТОЛИБ"ЛАР МУЗОКАРАДАН БОШ ТОРТДИ

Би-Би-Си радиоси хабарига қараганда, Афғонистондаги "Толибон" ҳаракати мамлакатнинг шимолидаги ақсилтолибон қўчалари билан тинчлик музокараларини олиб боришдан бош тортган.

Афғонистондаги бир-бирига муҳолиф қўчалар ўртасида юзага келган мазкур қелишмовчилик яқингинада Туркменистоннинг Ашхабад шаҳрида "Толибон" ва Шимолий Муҳолифат раҳбарияти томонидан имзоланган тинчлик битимини ҳавф остида қолдириши мумкин.



Европа гўзали

БИЛИМДАН ЯХШИ ЁР ЙЎҚ

Вазирлар ва эътимомли кишилар, уларнинг аҳолини, қандай иш олиб бораётганликларини махфий йўллар билан ҳам текшириб қўядилар, чунки шохлик ва мамлакатнинг тинч ва тўтувлиги ҳамда уларнинг фасоуд зиёнлари ҳам ўша вазирларга боғлиқ.

Посбонлар, навбатчилар ва эшик олдида турган хос соқчилардан эҳтиёт бўлиш лозим. Кимки буларга иши тушса, уларни таниб олиши керак.

Унвоңлар ҳам кўпайиб кетди, нима кўп бўлса, унинг қадр-қиммати пасаяди. Ҳамма подшоҳлар ва халифалар унвоңлар танлашда эҳтиёт бўлганлар.

Луқмони ҳақим айтадики, одам учун дунёда билимдан яхшироқ ёр йўқ ва билим ҳазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки сен ҳазинани эҳтиёт қилишнинг керак. Билим эса сени қўтқаради ва муҳофаза қилади.

МИЯ ОРТИДАГИ ҚУВВАТ

Рух нима? Материалистларнинг айтганидек, рух бўлмаган нарсаси фаолиятимизни мия бошқаради.

Бу саволга илмий томондан ёндашиб жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Шеррингтон исми олим электр стимулятор ёрдамида инсон миясининг турли қисмларига ток таъсир этириш натижасида турли жавоб ҳаракатлари олди.

1972 йили вафот этган канадалик олим Уэлдер Пенфельд, унинг яқин ҳамкасби Жанпер ва бошқалар тажрибани мукамаллаштириб, миясининг айрим қисмларига таъсир кўрсатиш билан бу қисмларнинг олоҳида-алоҳида функциялар бажаришини аниқладилар.

Демак, натижалар фаолиятимизни бошқариб турган мия эмас, балки унинг ортида яна бир қувватнинг борлигини кўрсатмоқда. У оддий қувват эмас, ОНГЛИ қувватки, мия ўз фаолияти давомида барча амр ва кўрсатмаларни ундан олади.

Рух нима эканлигини билмаслигимиз бошқа, уни "йўқ", дея инкор қилишимиз бошқа. Маломки, рух бор экан, уни идрок этиш учун мияга муҳтожмиз.

Бизга шуниси маълумки, рух олами амрдандир. Физиквий қувват каби бир қувватдир. Аммо фарқи ва устунлиги ОНГЛИ ва ШУУРЛИ ҚУВВАТ эканлигидир.

Рух ҳақида бизга энг тўғри ва энг мақбул маълумотни бутун олоҳларнинг яратувчиси бўлган Аллоҳ (жолла жалалуллоҳ) яратилганларга буюк неъматни бўлган Қуръони Каримда зикр этади.

Узлик
Жасад — ҳужайралардан бино этилган бир сарой. Хужайранинг уруғи, ўзаги эса РНК ва ДНК кислоталаридир.

рух натижаз
у каерваз

ХУРРИЯТ 14-20 апрель 1999 й. (117) сон
Мўъассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғормаси
Бош муҳаррир: Хуршид ДУСТМУҲАММАД
Таҳрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Амиркул КАРИМОВ, Номин КАРИМОВ, Ҳозод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмадхон ЮНИМАСОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР

ВАЛЮТА, ЧИКИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ, КОГОЗ...

Каолин кўнайса, қоғоз кўнаяди

Иқтисод

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда дунё бўйича бир йилда 23 миллиондан кўпроқ тўйинтирилган каолин қоғоз, чинни, резина маҳсулотлари, курилиш материаллари, пластмасса ишлаб чиқаришда ҳамда кимё саноатида ишлатилади.

Бу рақамлар, албатта, осмондан қадар Ангрэн каолини ва уни қўллаш мумкин бўлган соҳаларни 14 та махсус институт ва хорижий компаниялар мутахассислари эринмасдан ўрганиб чиқдилар.

гунунгашдик. Германияда махсус ўқиб қайтган бош муҳандис кўп залворли рақамларни қолаштириб ташлади. Бизга мўъжл бўлган ва эсда қолган хусусиятлардан бири шу бўлдики, корхона чикитсиз технология асосида ишлар экан.

Ўткир ҲОШИМОВ

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ БИТИКЛАР

Китоб

Энг ақлли жонивор Дунёда энг ақлли жонивор - балик! Биринчидан, соқов. Иккинчидан, муттасил думини ликиллади!

биримиздан нега уялганимизни билмайман. Негадир... йилгаим келди... Рост ва ёлгон Ҳақиқатдан кўрққан одам ёлгоннинг панасига беркинади.

истеъдодлилардан кўра иқтидорсизлар ҳаммаша кўпроқ бўлган. Демак... Уэр... уёйга ақлим етмай қолди... Куч ва адолат Адолат Кучга бўйсунган юрт - вайрон юрт.

Тошкентдаги машҳур Чорсу бозори ГУМ биносига кўчармиш...



деган гап тезда тарқолади. Ҳазил-хўзул билан дарров биродарлар йиғилади. Узи журналист-ижодкорлар орасида бир кизик одаб бор.

БОШҚОТИРМА ГОЛИБЛАРИ

Газетамизнинг 31 март сонида соврини бошқотирма чоп этилган эди. Бошқотирмага мухлисларимиздан жавоблар ёзилган кўплаб мактублар олдик.

БАХТНИНГ КАЛИТИ ЎЗИМИЗДА

“Ғойибдан келажак бахт бир афсона”, - деган-ку устоз Ғафур ҒУЛОМ

Фидокорлар

Ақсарият Ғарб давлатларида лотерея, казино, хуллас, пул ютуғи, текин даромади бўлган уйларга қишлоқларнинг қизиқиши катта. Бой қариндошлардан қолган катта мерос, қўлмаганда осмондан тушган миллион-миллион пуллар талаш асосига қурилган кинофильмлари, одатда, одамлар юрак ҳовуқлаб томоша қиладилар.

“ШАРҚ ТОНГИ” ШАРҚОНА БЎЛСА

Яқиндан бери пойтахтимиз ёшларнинг маънавий маърифий, ижтимоий-иқтисодий наشري бўлмиш “ШАРҚ ТОНГИ” газетаси чоп этила бошланди. Тўғри, газета энди тетаполамлади. Камчиликлар бўлиши табиий. Лекин, маълумки касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Биз эътиборингизни газетанинг шу йил март ойидаги 2-сонига қаратмоқчимиз.

Ҳамкасб

Телефон жиринглайди. —Ало, сомайкум, яхшимсиз, Жовлимэн. Шу йўсин лутф билан Тошкентда Сурхондарёдан тез-тез сим қоқиб турилади. Бундай сим қоқишлар “газетачи” Қурбон Эшматов, Салим Ашур, Зиевдин Ортиқжўраев, “телевизорчи” Нормобил Жалил, Ислоҳ Ҳамро, “журналист” Собир Унарға бўлиб туради. Шулар катори менга ҳам.

Бизнинг содда, одми, кирчимол, беғубор биродаримиз, ақамиз, дўстимиз, “Жовли Хушбоқ кепти”,



“Жаббор Раззоқи табрик-лаб чикдим. “Ўзбекистон” нашриётига бош бўпти. Ма-нави китобни соғга қилди”, - дейди ақамиз хурсанд. Сўнг эски шаҳардаги китоб дўкони, сўнг яна биз билмаган қанча кунжак-мунжақ-даги дўконларни кезиб чикади.

Келиб дафтаридан бир нималарни чиқиб ташлайди. —Тинчликми, Хушбоқов? —Фалон китоб дўкони тижорат магазини айланади. Шунини чиқиб таш-лаяман.

Ақамизда Тошкентдаги китоб магазинларининг рўйхати бор экан. “Афсус, рўйхат тибора қисқариб бораёпти”, дея қуянади.

—Сизларга яхши, - дейди, - Тошкентда китоб кўп. Биз томонларга китоб бормай қўйди. Борса-ку, халқ ўқийди...

Хушбоқовнинг Сурхондарёнинг Қизилқум тумани марказидаги 4 хонали уйининг битта хонасининг номи бор: “Китобхона”. Уйда кеннони бир нима қидирса болаларга айтади:

—Бор, отангни китоб-хонасини қара-чи, балки ўша ердадир? Эки:

—Ота, овқатингизни қа-ерда ейсиз, - дейилса, ал-батта “Китобхонада” деган жавоб бўлади.

Бу ёни болалар ҳам етилиб қолди. Шу хонани бўшатиб меҳмон-изломга моллаш-тирсақ деган тақлифлар натижасиз қолиб кетди.

Умуман Жовли Хушбоқовнинг китобхонасида

ласа, китоб сотиб олишга ундан икки хисса кўп сарфлайди. “Китоб сав-доси”ни энг аввало “Шарқ” кондернининг китоб дўкони-дан бошлайди. “Энг яхши китоблар шу ерда бўлади-да”, дейди яшноб, китобдан кўз узолмай. Бир халта - икки халта китоб шу ердан олинади. Уни олиб келиб меннинг ё Қурбоннинг хона-сига жойлаб қўяди(Кетишда ҳаммасини ёнимиздаги дўконлардан телевизор ё хо-лодильникнинг бўшаган қоробкасига солиб бера-миз).

—Энди “Навоий-30”га бораман. У ердан ҳам бир халта китоб кўтариб келади.

катта-кичик, янги-эски жами бўлиб 45 мингта китоб бор! Қурбон ҳазиллашди:

—Улиб кетсангиз, уйин-гизни номингиздаги кутуб-хонага айлантираюми.

Ҳамма қулади. Лекин энг мириқиб қулган ақамизнинг ўзлари бўладилар.

Ундан ташқари бу кутубхонанинг “газета-жур-нал” бўлими ҳам бор. Мисол учун, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (“Ўзбекистон маданияти”) 1970 йиллардан, “Шарқ юлдузи” 1968 йил-дан, “Ешлик” журнали 1983 йилдан йиғиб-тахлаб “под-шивка” қилиб қўйилган. “Лит. газета”, “Иностранная ли-тература”, “Жаҳон адабиёти” журналларининг ҳам тах-

лавлари бор. Утган йили Хушбоқовнинг “Мухаббатнинг олови” китоби чикади. Оз эмас — 20 минг нусхада. “Шунча нусхада чиқариш шартми, яхшимсиз 10 мингдан 2 та китоб чиқара қолинг”, десак кўнади. Елиб-юғуриб 5-6 та хўжалик идораларидан китоб учун пул тушириди. Шу пулга битта “Дамас” сотиб олса бўларди, дейиши ақиллари.

Шундан бери қаерга борса 100 та - 200 та олиб бориб, ташлаб келади. Сурхондарёда у китоб тақдим қил-маган кутубхона, мактаб қолмади, шекилли. Устмон-роқ одам бўлмаслиги мумкин, лекин кўп ўқиган одам яхши ода- бўлиши аниқ.

Биз бир вақтлар “Тур-кистон” газетасида бирга ишлаганимиз. Кейин ҳам-ма-низи тарқоб кетди. Хуш-боқов қолди. Ҳозир ҳам “Туркистон”нинг Сурхон-дарёдаги муҳбири.

—Пенсияга шу ердан чиқармайсиз Сизни, - деймиз. —Майли, розиман. Иложи бўлса-ку... — у ёғини айтади. Иложи бўлса-да у ёғини биз ҳам айт-олаймиз.

Хушбоқов бир hafta-беш кун бўлиб яна юртга, уйга қайтади. Шунда ҳам “кетсамми дедим” дейди андиша билан. Сафарга фотиҳони Қурбон Эшмат беради:

—Кетадиганга йўл яхши. Омин, эсон-омон етволинг. Гўмбиллаб юраверинг...

Ақамизни ҳазил-хўзул, аския қилиб қузатамиз. Қўн-г-лига ҳам олайди. Қайтан-га мириқайди. Қўларидан ёшлари чиқиб қулади. Биз аския қиламиз-у, у ёғ бўлса, “Раҳмат”, “Раҳмат” дейди. Бу гапи ҳам аския бўлади. Барибир шундай дееявероди.

Поезд кетиб бўлганча, боғи кулгулар тиниб, совиб қола-миш. Негадир оғир тортиб қолганга ўшаймиш. Бу ака-мизни қузатганимиз учунми ё у киши билан аския қи-лишса-да, у одам биздан, ҳаммамиздан зўрлиғи, ин-софлиғи, беғуборлиғи, самимилиғи, беғаразлиғини ҳис қилганимиз учунми, билдимиз.

Йўл-йўлақай эсласимиз ўзимизни қалғитиб келамиз. Эртасига эрталаб ишхо-нада телефон жиринглайди. —Сомайкум. Яхшимсиз? Мен Жовлимэн. Етиб келдим...

“Жовли ХУШБОҚ КЕПТИ” 45 мингта китоби бор журналист



“Жаббор Раззоқи табрик-лаб чикдим. “Ўзбекистон” нашриётига бош бўпти. Ма-нави китобни соғга қилди”, - дейди ақамиз хурсанд.

Келиб дафтаридан бир нималарни чиқиб ташлайди. —Тинчликми, Хушбоқов? —Фалон китоб дўкони тижорат магазини айланади. Шунини чиқиб таш-лаяман.

Ақамизда Тошкентдаги китоб магазинларининг рўйхати бор экан. “Афсус, рўйхат тибора қисқариб бораёпти”, дея қуянади.

—Сизларга яхши, - дейди, - Тошкентда китоб кўп. Биз томонларга китоб бормай қўйди. Борса-ку, халқ ўқийди...

Хушбоқовнинг Сурхондарёнинг Қизилқум тумани марказидаги 4 хонали уйининг битта хонасининг номи бор: “Китобхона”. Уйда кеннони бир нима қидирса болаларга айтади:

—Бор, отангни китоб-хонасини қара-чи, балки ўша ердадир? Эки:

—Ота, овқатингизни қа-ерда ейсиз, - дейилса, ал-батта “Китобхонада” деган жавоб бўлади.

Бу ёни болалар ҳам етилиб қолди. Шу хонани бўшатиб меҳмон-изломга моллаш-тирсақ деган тақлифлар натижасиз қолиб кетди.

Умуман Жовли Хушбоқовнинг китобхонасида

ласа, китоб сотиб олишга ундан икки хисса кўп сарфлайди. “Китоб сав-доси”ни энг аввало “Шарқ” кондернининг китоб дўкони-дан бошлайди. “Энг яхши китоблар шу ерда бўлади-да”, дейди яшноб, китобдан кўз узолмай. Бир халта - икки халта китоб шу ердан олинади. Уни олиб келиб меннинг ё Қурбоннинг хона-сига жойлаб қўяди(Кетишда ҳаммасини ёнимиздаги дўконлардан телевизор ё хо-лодильникнинг бўшаган қоробкасига солиб бера-миз).

—Энди “Навоий-30”га бораман. У ердан ҳам бир халта китоб кўтариб келади.

катта-кичик, янги-эски жами бўлиб 45 мингта китоб бор! Қурбон ҳазиллашди:

—Улиб кетсангиз, уйин-гизни номингиздаги кутуб-хонага айлантираюми.

Аҳрор АҲМЕДОВ

майди. —Бунақада тагин кўздан ажроб қолманг...

—Шунинг учун тезроқ, кўпроқ ўқиб қолиш керак. Хушбоқов кўп ўқиганига яраша, ёзди ҳам. Айримлар умуман ўқимайди. Улар ёзувчи, ёзоди. Бу киши эса ўқувчи-ёзувчи. 4-5 китобни чиқариб қўйди. Бир адо-бий ўйлардан иборат бўлса, яна бири адабий-танқидий мақолалар, ижодий порт-ретлар, яна бири соф публицистик мақолалар. Ақамизнинг ижодий қамрови ҳам кўнгли қаби кенг, самимиий. Яъни ичи тўла гиж-гиж фикр, ният. Ҳали омонлик бўлса кўп ёзоди. Ундан-да кўпроқ ўқийди. Мен Жовли Хушбоқов мисолида ўзимни қийнаб юрган бир соволга жавоб топганман. Яхши ёзган, кўп ёзган одам яхши одам бўлмаслиги мумкин, лекин кўп ўқиган одам яхши ода- бўлиши аниқ.

Биз бир вақтлар “Тур-кистон” газетасида бирга ишлаганимиз. Кейин ҳам-ма-низи тарқоб кетди. Хуш-боқов қолди. Ҳозир ҳам “Туркистон”нинг Сурхон-дарёдаги муҳбири.

—Пенсияга шу ердан чиқармайсиз Сизни, - деймиз. —Майли, розиман. Иложи бўлса-ку... — у ёғини айтади. Иложи бўлса-да у ёғини биз ҳам айт-олаймиз.

Хушбоқов бир hafta-беш кун бўлиб яна юртга, уйга қайтади. Шунда ҳам “кетсамми дедим” дейди андиша билан. Сафарга фотиҳони Қурбон Эшмат беради:

—Кетадиганга йўл яхши. Омин, эсон-омон етволинг. Гўмбиллаб юраверинг...

Ақамизни ҳазил-хўзул, аския қилиб қузатамиз. Қўн-г-лига ҳам олайди. Қайтан-га мириқайди. Қўларидан ёшлари чиқиб қулади. Биз аския қиламиз-у, у ёғ бўлса, “Раҳмат”, “Раҳмат” дейди. Бу гапи ҳам аския бўлади. Барибир шундай дееявероди.

Поезд кетиб бўлганча, боғи кулгулар тиниб, совиб қола-миш. Негадир оғир тортиб қолганга ўшаймиш. Бу ака-мизни қузатганимиз учунми ё у киши билан аския қи-лишса-да, у одам биздан, ҳаммамиздан зўрлиғи, ин-софлиғи, беғуборлиғи, самимилиғи, беғаразлиғини ҳис қилганимиз учунми, билдимиз.

Йўл-йўлақай эсласимиз ўзимизни қалғитиб келамиз. Эртасига эрталаб ишхо-нада телефон жиринглайди. —Сомайкум. Яхшимсиз? Мен Жовлимэн. Етиб келдим...

“Жовли ХУШБОҚ КЕПТИ” 45 мингта китоби бор журналист

“Жаббор Раззоқи табрик-лаб чикдим. “Ўзбекистон” нашриётига бош бўпти. Ма-нави китобни соғга қилди”, - дейди ақамиз хурсанд. Сўнг эски шаҳардаги китоб дўкони, сўнг яна биз билмаган қанча кунжак-мунжақ-даги дўконларни кезиб чикади.

Келиб дафтаридан бир нималарни чиқиб ташлайди. —Тинчликми, Хушбоқов? —Фалон китоб дўкони тижорат магазини айланади. Шунини чиқиб таш-лаяман.

Ақамизда Тошкентдаги китоб магазинларининг рўйхати бор экан. “Афсус, рўйхат тибора қисқариб бораёпти”, дея қуянади.

—Сизларга яхши, - дейди, - Тошкентда китоб кўп. Биз томонларга китоб бормай қўйди. Борса-ку, халқ ўқийди...

Хушбоқовнинг Сурхондарёнинг Қизилқум тумани марказидаги 4 хонали уйининг битта хонасининг номи бор: “Китобхона”. Уйда кеннони бир нима қидирса болаларга айтади:

—Бор, отангни китоб-хонасини қара-чи, балки ўша ердадир? Эки:

Домла талабаларга курс ишқини (ишқини) тушутирди. Кундошларнинг (ундошларнинг) бир-бирига боғлаш мавзуси. Дўстим боғда бодринг экан (экан) Катта қўй (тўй) қилиб ўғлимни уйлантирдим. Девор (девор) одатда алфавит тарзида тузилади. Домла талабаларга семинардан ренгин (рейтинг) бўлишини айтди. Қизимни кўп узатдим (кузатдим), натижаси ёмон эмас. Домла, ундай есангиз (десангиз) бизга қийин бўлади.

Хурматли муттаҳам (муттарам) давра иштирокчилари. Навоийнинг кўпгина шеърларида тупроқлар (туроқлар) учрайди. Ўзбекларнинг томи (таоми) дунёга маълум ва машҳурдир. Хотин, меҳмонлар кетди, қовоқларингни (товоқларингни) йиғиштир. Навоийнинг кўпгина ғазаллари (ғазаллари) Лутфийга бағишланган. Дўстимга қорахат (қорхат) ёзиб келгача ўйнадик.

Бехўж БОТИРОВ, ТошДУ талабаси

Шерзоджон ТОЖИДИН ўғли, журналист

деб ҳисобланади. Уик - энд, яъни, дам олиш кунлари ҳеч қим иш туғрисида ўйламайди. Кимдир теннис ўйнайди, кимдир табиат гушаларига чиқиб кетади. Хуллас, улар қандай зўр ишласа, шундай зўр дам олади.

Миллий банкимизнинг янги биносига бўлганда дидли қийинган, хоржида ўқиб келган ва чет тилларида бемалол сузлашадиган гайратли тенгдошларимизни кўриб, очинги, ҳаваси келади кишининг. Демак, биз учун барча шароит мавжуд. Гап, имкониятдан фойдалана билишда.

Республикамиз аҳолисининг яримдан кўпини биз ёшлар ташкил этамиш. Шундай экан, ҳар биримиз ўз ақл-идроқимиз билан онгли равишда ҳаракат қилайлик, беҳудга осмондан чалпақ ёғмаслигини кўтиб ўтирмай, олма пиш - озғимга туши, дед хомтама бўлмайлик. Шунда лоқайдлик, дангасалик, лоппенлик хасталиги илдишга болта урган бўлар эдик. Демакки, истиклол шарофати билан юртимизда шу қадар улкан имкониятлар яратилган экан, ёшлик гуруви ва шижоати ҳар биримизнинг қалбимизда зўш урмоғи лозим.

Қалай, фикримга қўшилмасизларми?

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 2 хонали квартира сотилади ёки DAEWOO автомобилга алмаштирилади. Маълумот учун телефон: 35-31-53

“UTZ-INVEST” шўъба корхонаси ўз низоом жамғармасининг 311.1 миң АҚШ доллари миқдоригача қисқартirilганини маълум қилади. Корхона маъмурияти